


АССАЛОМ, БАҲОР!

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



Қонуичилик ва ҳуқук-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИВ НАШРИ

ПОСТДЖА

№ 9 (3433)

2002 йил 28 февраль, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

РАҲБАР ТОМ МАЪНОДАГИ ЕТАКЧИ БЎЛИШИ КЕРАК

Иккى кун аввал шаҳардаги қурилиш ташкилотларидан биринча пайвандловчи бўлиб ишлайдиган мактабдош дўстим сим қоқиб шундай деди:

— Безовта қилганим учун узр. Агар имконинг бўлса кўришиб, бир масала юзасидан Фикрлашиб олишимиз керак.

Эски танишим жиддий инсон эканлиги ва беҳуда илтимос қилмаётганини билганим учун иш жойимда учрашиши таклиф қилдим.

— Сен ҳам амалор бўлиб колибсан, — собик синфдошимишнинг ҳазил аралаш овози эшитилди гўшақдан. — Курсидан қўзғалишинг шунчалик кийинми?.. Яхшиси, холи жойда гаплашайлик.

У билан учрашиб, сухбатлашганимдан кейингина раҳбар хонасидан нега бунчалик безиллаб қолганинг сабабини тушиуб етдим.

— Зарур ишлардан қолдирганим учун яна бир бор кечирим сўрайман, — деди сухбатдошим. — Безовта қилганинг боиси, жамоамиз оғир вазиятга тушиб қолди. Уч ойдан бери маош олмай ишляяпмиз. Бунинг сабаби эса бизга ярим йил аввал раҳбар бўлиб келган бошлиғимиз ўзига янги хизмат машинаси сотиб олди. Энди у ишга машинада савлат тўкиб келаяти, биз эса оила тебратга олмай бошимиз қотајиши.

— Ҳозир бу масала билан суд шуғулланаяти, — деди сухбатдошим, — сенинг олдинга эса юракдан гаплашиш учун келдим. Нега баъзан масъулиятли лавозимга раҳбарлик қилишини билмайдиган киши тайинланади? Агар у хушумомала, одобли бўлса хўп-хўп, гоҳида шундайлари ҳам учрайдики, хонасига киришга юрагинг безиллаб туради...

Собик синфдошим тилга олган мавзу янги эмас, албатта. Бу ҳақда “Постда” ва “На посту” газеталарида ҳам бир неча марта ёзилиб, мулоҳазалар билдирилган. Аммо ҳар қанча фикр юритмайлик, раҳбарнинг донолиги, қатъиятлилиги, ахлоқи ва ишбилармонлик фазилатлари билан боғлиқ ушбу мавзу долзарб бўлиб қолаверади.

Шу боис ҳам Президентимиз Ислом Каримов Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Конгенишнинг навбатдан ташқари сессиясида кадрлар билан ишлаш муаммосига алоҳида тўхтадилар. Давлатимиз раҳбари хусусан, ўзини етакчи деб хисоблайдиган раҳбар ҳақиқатан ҳам том маънодаги етакчи бўлиши кераклиги, бошқалардан кўра узокни кўра билиши, кўпроқ нарсаларни англаши, нафақат бугунги кун, балки эртаги кун муаммолари устида биш котириши зарурлигини айтиб ўтдилар.

Президентимиз сессияда сўзлаган нуткида яна бир ҳолатга тўхтадилар, у долзарб бўлгани учун тўлалигича келтирамиз: “Биз кўпинча, раҳбар акли, доно, билимдан бўлиши керак, деб хисоблайдимиз. Албатта, бу хусусиятлар керак, лекин бугунги кунда уларнинг ўзи етарли эмас. Нега деганда, инсон акли, доно ва билимдан бўлиши мумкин, лекин у ҳаётда ёниб яшамаса, ҳаммаси бекор”.

Юртбошимиз билдириган мана шу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, ўзи раҳбарлик қилаётган меҳнат жамоасига қайгуриш ўрнига, кўл остидаги кишилар ишлаб топган пулга савлатли хизмат машинаси сотиб олган раҳбарнинг тутган йўлига қандай баҳо бериш мумкин? Унинг бу килмишини суд муносиб “тақдирласа” ажаб эмас.

Хизмат тақососи туфайли турли ташкилот, корхона, идораларнинг вакиллари билан мулокот қилишмага тўғри келади. Ана шу сухбатлар асосида бир қанча саволлар туғилди. Нега айрим ташкилотларда одамлар ишга худди байрамдек отланишиди, бошқа биринда эса бунинг акси? Нега баъзи муассасаларда ходимлар меҳнатга ижодий ёндошишиди, бошқа биринда эса гўё жазо муддатини ўтайдандек иш кўрадилар?

Ушбу саволларга Президентимиз Сурхондарёдаги навбатдан ташқари сессияда сўзлаган нутқларидан жавоб топдим. Юртбошимиз, жумладан, шундайде дедилар: “Раҳбар учун зарур бўлган яна бир муҳим фазилат шундан иборатки, у хали билан тил топиша олиши лозим. Раҳбар энг мураккаб, энг кийин вазиятларда ҳам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножӯя йўллардан, хатти-харакатлардан қайтириши ва ўз атрофида соглом вазият, соглом иклим бардо этиши даркор”.

Бугунги кунда меҳнат жамоасидаги мухит, маънавий иклим қай дарражада бўлиши айнан раҳбарга боғлиқ.

Албатта, ҳеч ким раҳбар бўлиб түғлимайди, балки ўз иқтидори, саъй-харакати билан унга эришиди. Агар сени масъулиятли лавозимга тайинлашган бўлиб, одамлар тақдири сенга боғлиқ экан, зурур фазилатларга эга бўлиш учун ўз устингда тинмай ишлашинг, сенга ишонч билдириган халқقا сидқидилдан хизмат қилишинг зарур.

Сурхондарёдаги навбатдан ташқари сессияда юртбошимиз раҳбар кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига кўйиш тизимини тақомиллаштириш бўйича бир қанча кимматли тавсияларни билдирилар. Президентимиз нуткидан ўрин олган бундай холатлар кадрлар билан ишлашга масъул бўлган одамларнинг қалбидан чукур жой олади ва бошқарувнинг барча бўғинларни раҳбарлари таркибини сифат жихатдан янада яхшилинишга олиб келади, деган умиддамиз.

Ўзини раҳбар, етакчи деб хисоблаган ҳар бир киши учун Президентимиз Ислом Каримовнинг куйидаги сўзлари дастурламал бўлса арзиди: “Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш қобилиятида намоён бўлади. Бу баландпарвуз гап эмас. Раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, шу ташвишларни имкон кадар осон қилиш ва ёнгиллатиши ўйлаб яшаши, одамларни химоя қилишига доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак”.

Собик синфдошимга айнан шундай раҳбар билан ишлаш насиб этишини тилаб қолдим. Илоҳим, бу тилагим ижобат бўлсин.

ОҚ ЙУЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!



4 марта – Қоровул қўшинлари ташкил топган кун ЎЛМАС АНЬАНАЛАРНИНГ ДАВОМЧИЛАРИМИЗ

Бундан уч йил муқаддам ИИВ ЖИЭББ муассасаларини қўриқлаш ва мудофаа қилиш, маҳкумларни муассасаларга кузатиб бориш вазифаларини бажарувчи бўлинмалар Ички қўшинлар таркибидан чиқарилди. Ана шу ҳарбий жамоалар негизида Коровул қўшинлари ташкил этилди.

Ehtirom

2002 yil – Qariyalarni qadrlash yili

4-681

ГИЁХВАНДЛИК АСР ВАБОСИ

15-681

РЕСПУБЛИКАМIZДА ўзгалар соглиги хисобига бойлик ортиришини ният қилгандарга қарши кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Максад оғуфурушликка йўл қўймаслик, ёшлар ҳаёти заҳарланишининг олдини олишdir.

5-681

АМЕРИКАНИ КИМ ОЧГАН?

Бундан 510 йил муқаддам X. Колумб экипажи аъзоси Родригес де Триан уфқда нотаниш кирғокни кўриб қолди. Бу ҳозирги Флоридадан унчалик узокда бўлмаган Багам ороллари гурухига киравчи Гуанахани ороли эди. Ўшандан буён “Американи ким биринчи бўлиб очган?” деб баҳслашишади.

УСНИНСИ

«Постджа» gazetasining Novasi

+ TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Мустақил ҳаётта кузатув

ОҚ ЙҮЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

Ўзбекистон

Республикаси

Ички ишлар вазирлиги

Ёнгин хавфсизлиги олий

техник мактабида

навбатдаги

битирувчиларга

дастлабки офицерлик

унвонини бериш ҳамда

мутахассислик

дипломларини

топширишга

багишланган тантанали

маросим бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирга Республика ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-куватлаш жамоатчилик маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори F. Раҳимов, истеъфодаги генерал-майор У. Раҳимов, Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти бошлиғи, ген-



рал-майор Ш. Ниёзов, ИИВ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковники А. Юнусходжаев, Республика ИИВ ҳузуридаги "Кўриқлаш" бирлашмаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковники Б. Пўлатов ва бошқалар ташриф буюришиди.

Мактаб бошлиғи, полковник М. Собиров танта-

хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковники А. Кўллошев, ИИВ ШТБИХ бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковники Б. Пўлатов ва бошқалар ташриф буюришиди.

Милиция подполковники X. Раҳматуллаев давлатимиз ва ҳалқимиз мол-мulkини кўз қорачигидек асрашга, Ватанимизнинг муҳим аҳамиятта молик иншоотла-

нали маросимни очиқ деб эълон қилгач, Ватанимиз маҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг битирувчиларга дастлабки офицерлик унвонини бериш ҳақидаги бўйругини мактабнинг ўқув бўлими бошлиғи, ички хизмат полковники F. Турсунов ўқиб эшилтириди. Битирувчиларга дипломларни мактаб бошлиғи M. Собиров топшириди.

Аъло баҳолар ва намунали хулқ билан ўқиган ўндан ортиқ битирувчилар мактаб раҳбарияти томонидан рағбатлантирилиб, уларга пул мукофотлари ва Фахрий ёриликлар берилди.

Битирувчиларни истеъфодаги милиция генерал-майори F. Раҳимов табриклаб, уларни ўз олдиларига кўйилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга чакириди.

Милиция подполковники X. Раҳматуллаев давлатимиз ва ҳалқимиз мол-мulkини кўз қорачигидек асрашга, Ватанимизнинг муҳим аҳамиятта молик иншоотла-

рини ишончли қўриқлашга қодир мутахассисларни етиштириб берастган мактаб раҳбарияти ва профессор-ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Фарзандлари ушбу олий билим даргоҳини битираётган ота-оналар номидан фароналик O. Усмонов ҳамда тошкентлик T. Ҳайитбоевалар сўзга чиқиши.

Тадбир якунидаги мактаб бошлиғи M. Собиров буғуниги битирувчилар мактабда ўрта босқичда таълим олган сўнгги тингловчилар эканлигини таъкидлаб, айни пайтда эса мактабда олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичлари бўйича таълим берилсаётганлигини айтib ўтди.

Тантанали тадбир якунидаги мактаб бадиий ҳаваскорлик ансамбли ижросида концерт дастури намойиш этилди.

З. НЕЙМАТОВ,
милиция майори.

А. ГИМАЛОВ
олган сурат.

Спорт

МИНИ-ФУТБОЛ ГОЛИБЛАРИ

Яқинда Жizzah вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ўргасида мини-футбол бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Унда 20 та жамоа иштирок этди.

Турнирнинг ярим финал босқичига вилоят ИИБ, жиноят-қидирив ва терроризма қарши кураш бошқармаси, ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ва Зарбор тумани ИИБ жамоалари йўлланма олдилар.

Финал учрашувида вилоят ИИБ жамоаси ёнгин хавфсизлиги бошқармаси вакилларига 3:7 ҳисобда ютқазиб кўиди.

ЁХБ футболчилари биринчи, вилоят ИИБ жамоаси иккинчи, Зарбор тумани ИИБ спортчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Турнирда ички хизмат прапорчиги Ф. Файзиев, милиция капитани А. Мусулмонов ва милиция кичик сержантни X. Бойбутаевлар энг яхши ўйинчилар деб тошилди.

Голибларга мукофотлар топширилди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Хоразм вилояти ИИБ "Динамо" спорт мажмууда кураш бўйича бошқарма биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 14 жамоадан 80 нафардан зиёд полвонлар голиблик учун кураш олиб бордилар.

Кизиқарли беллашувлардан сўнг биринчи ўрин вилоят ИИБ терма жамоасига насиб этилди. Урганч шаҳар ИИБ, ички қўшиналар бўлинмаси вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Мусобақа ташкилотчилари Питнак шаҳар милиция бўлими вакилларининг маҳоратини ҳам яхши баҳоладилар. Бу жамоа тўртингчи ўринни эгаллади. Полвонлардан T. Бобоҷонов, Ю. Сафоев, У. Салаев, А. Йўллошев, О. Дианов, Н. Вафоевлар ўз вазн тоифаларида голиблик шоҳсупасига кўтарилилар.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Чўлпон номидаги Андикон Давлат тиллар педагогика институти спорт мажмууда собиқ динамочи, халқаро тоғифлаги спорту ости Фарҳод Холмуҳамедов хотирасига багишланган турнир бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона, Андикон вилоятларидан ташриф буорган каратэчилар иштирок этдилар. Умумжамоа ҳисобида Андикон шаҳрининг "Азматкарим" клуби спортчилари голиби чиқдилар. Пахтабободлик "Тайфун" чилар иккинчи, Фарғонанинг "Динамо" жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Голиб жамоа ва спортчилар Андикон вилояти ИИБ ва бошқа ҳомий ташкилотларнинг эслалик соввалари билан тақдирландилар.

Б. КЛЕЙМАН.

ЭЛ РИЗҚИ УВОЛ БЎЛМАСИН!

"Фалла - 2002"

Бу йил қиши яхши келди. Ҳавонинг иликлиги туфайли кузги бошокли дон экинлари анча бўй чўзиб колди. Зумрад далаларга бокиб кўзинг қувонади. Дов-дараҳтлар ялангочлиги қиши ҳукмронлигини англатса, кўм-кўк буғдойзорлар табиат келинчаги - баҳор яқинлигидан дарак беради.

Фиждувон тумани "Оқ олтин" ширкат хўжалиги 6-бригадаси даласидамиз. Бу ердаги манзара дилни фаш қиласи. Яшил бахамдек буғдойзорда кўйлар ўтлаб юрибди. Улар майсаларни ўзаро мусобақалашаётгандай тез-тез ейди. 5 бош кўйни ширкат хўжалиги далашибошига бўлиб юрибди. Уларни ўтлаб юрибди. 5 бош кўйни ширкат хўжалиги 5-бригадаси истиқомат қиливчи Собир Эгамов ҳам эл ризқига кўз тикканлардан бўлиб чиқди. Кўй-эчқиларини хўжалик буғдойзорида "сайр" қилдирган бу фуқаро ҳам тегиши жазосини олди.

Шунингдек, фуқаролар Абдумутал Раҳмонов, Кенжак Тўхтаевлардан ҳам ҳалқ мулкига кўз олайтириб, буғ-

профилактика инспектори Юнус Файбуллаев шу-

тиш ниятим йўқ эди, ўзлари кирган, ҳайдаб чиқяпман", - дея олди холос. Ҳўжаликка зарар етказган Р. Муродовдан туман судининг қарори билан 3430 сўм жарима ундирилди.

"Пахтаобод" ширкат хўжалигидаги "Она ер саҳовати" фермер хўжалиги буғдойзорлари айниқса, бўлиқ Жобир отаси Ҳамроул Шодиевга тегиши 72 бош кўйни ўша томонга ҳайдади. "Пахтаобод" ширкат хўжалигининг "Сайдон" қишилоголик 25 ёшли бу йигита отаси "қўшнининг оши ширин бўлади", деган бўлса ажаб эмас.

Шунингдек, фуқаролар Абдумутал Раҳмонов, Кенжак Тўхтаевлардан ҳам ҳалқ мулкига кўз олайтириб, буғ-

профилактика инспектори Юнус Файбуллаев, Рўзимурод Холов, Насим Нарзуллаев, Савридин Зарипов сингари профилактика инспекторлари буғдойзорларда ҳозир нозир туришибди, - дейди биз билан сұхбатда туман ИИБ ҲООБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Обид Муҳамедов.

Туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайхон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида" ги қарори ижроси юзасидан мунтазам текширишлар ўтказилмоқда. Айни пайтда туман бўйича 4215 гектар майдонга сара уруғли буғдой экилган. 2002 йилда гиждувонликлар 15778 тонна буғдой ҳосили ётиширишга аҳд қилишган. Шу кунларда яшил денгиз - буғдойзорлар кўзни кувонтиради. Унда бободеҳқон меҳнати самарааси намоён. Яшил бахмал мисол товланиб, она ер бағридан умид билан бошкўтариб чиқсан буғдой майсаларни пайхон қилишнинг уволи оғир.

Л. МАНСУРОВА,

С. САНОЕВ.

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ЎРГАНИЛЯПТИ

Республика ИИБ Тошкент Олий ҳарбий техник билим юрти раҳбарияти ёш авлодни тарихимиз, аждодларимиз қолдирган маданий меросни ўрганишига ҳамиша катта эътибор берив келади. Ўқув режаларидаги гуманитар фанларнинг мазмун-мундарижаси ана шу эҳтиёждан, мақсадлардан келиб чиқиб белгиланади. Маънавий-сиёсий тайёргарлик машгулотлари режасидан ҳам мазкур долзарб мавзулар ўрин олган.

Булардан ташқари, билим юрти миқёсида ўтказилингиздан маданий тадбирлар ҳам шахсий таркиби ана шу бебаҳо меросимиз билан чуқуроқ таниширишда мухим восита бўляпти. Ўқув даргоҳида таниқли адабиёт-шунослар, ижодкорлар, санъат намояндalarи билан тез-тез учрашиб туриш анъана тулага кирган.

Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллиги нишонланган кунларда билим юртига навоийшунос олим, Беруний мукофоти соҳиби, филология фанлари докто-

ри, профессор А. Ҳайитмөт, шоир ва олим, педагогика фанлари доктори, профессор Сафо Очил, Ўзбекистон Миллий Академик драма театри санъаткорлари - Ўзбекистон ҳалқ артисти Сайдкомил Умаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мадина Мухторова ва Беҳзод Муҳаммадкаримовлар ташриф буюришиди. Олимлар буюк бобокалонимизнинг сўзлари, ижодлари билан ишлари, амаллари бир, ҳамоҳанг бўлганлиги ҳақида тапиришиди, бунга кўплаб ми-

ноллар келтиришиди. Ҳа, ул зот инсонпарварлик, ҳалқ-парварлик ғоялари билан сугорилган бадиий юксак асарлар яратганлар. Айни пайтда йирик давлат арбоби сифатида юртни ободонлашириш, илм-санъат аҳлига фамхўрлик борасида ҳам кўп ишлар қилганлар. Санъаткорлар газал мулкининг султони А. Навоий ҳақида саҳна кўринишлари намойиш этишиди.

Баллудининг 519 йиллигига багишланди. Унга Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси, Республика давлат мукофоти соҳиби, Бобур ва бобурийлар ҳақида гасарлар мураллифи П. Қодиров, Республика Маданият вазири ўринбосари, Ўзбекистон ва Қорақалпогистон ҳалқ артисти М. Абдукундузов ҳамда бошқа қатор адибиёт, санъат намояндalarи тақлиф қилинди. Учрашувда буюк бобокалонимизнинг нафақат ижодкор, балки исъетододли саркарда бўлгани, яқинлariга, қийин дамда ўзига суюнч бўлган лашкар-

бошлиғига меҳр-оқибат кўрсатни ҳақида сўз борди. Ўзга юртларни эгаллаган камдан-кам шоҳга бу ҳалқнинг ҳурмат-эҳтиромини қозониши насиб этиди. Бобомиз ана шундай нодир шахс эканликлари, уларни улуғ ҳинд ҳалқи ҳали-ҳануз миннатдор бўлиб ёд этиши таъкидланди.

Сўнг санъаткорлар шоир, шоҳ ва саркарда Бобур қиёфасини саҳнада жонлантиришиди. Улуғ зотларнинг номларинигина билиш аслида кишига ҳеч бир маънавий озуқа бермайди. Ушбу учрашувларда қатишган курсантларнинг том маънода буюк бўлган ажодларимиз ҳақида тасаввурлари бойиди. Улар маънавият сарчашмаларимиздан чуқурроқ баҳраманд бўлишиди. Бун

4 март – Коровул қўшинлари ташкил топган кун

ЎЛМАС АНЪАНАЛАРНИНГ ДАВОМЧИЛАРИМИЗ

Бундан уч йил муқаддам ИИВ ЖИЭББ муассасаларини қўриқлаш ва мудофаа қилиш, маҳкумларни муассасаларга кузатиб бориш вазифаларини бажарувчи бўлинмалар Ички қўшинлар таркибидан чиқарилди. Ана шу ҳарбий жамоалар негизида Коровул қўшинлари ташкил этилди. Аммо бу Ички ишлар вазирлиги таркибидан бутунлай янги қўшин тури пайдо бўлди, дегани эмас. Бундай бўлинмалар ҳамма даврларда ҳам бўлган. Факат улар турлича аталган. "Соқчилик бўлинмалари", "Ички ва соқчилик қўшинлари", "Ички қўшинлар" ана шу атамалар жумласидандир. Айнан Ички қўшинлар таркибидан улар тарихий ва шарафли йўлни босиб ўтиши. Жанговар анъаналар шакланди ва мустаҳкамланди.

Дастлаб 1920 йилда либ, унинг ҳарбийлари Тошкент соқчилик жиноятчиларни кузатиш бўлинмаси ташкил эти- ва қўриқлаш вазифасини

бажаришар эди. Бу бўлинма ходимлари иккичи жаҳон урушида ҳам иштирок этди. Улардан тузилган, фронтга отланган мерғанлар гурӯхлари ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Мерғанларнинг баъзилари (И. Супрун, М. Булатников, М. Гончаров, М. Татарников ва бошқалар) урушдан кейин ҳам узоқ йиллар қадрдан жамоаларида хизмат қилишди.

Турли йилларда ҳарбий жамоага Ф. Братчиков, Н. Забродин, В. Аголец ва бошқалар раҳбарлик қилишди. Бу жамоанинг Н. Цицилин, В. Лазарев, А. Азизов, В. Светайло, Н.

Ортиков, А. Сахно, М. Бельченко каби фаҳрийлари ҳозир ҳамон ҳарбийлар билан алоқаларини узишгани йўқ.

Б. Сирождиновнинг ҳаёт ўйли ҳамон ҳарбийлар учун намуна.

Коровул қўшинлари ҳамиша қийин ва мураккаб

дузни кундуз, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, қишин-ёзин жанговар постда туришади, патруллик қилишади. Баъзан уйқуга тўймасликлари мумкин. Аммо улар зиммаларидаги масъулиятни чукур ҳис қилишади.



ВУЖУДИ КУЧ-ҚУВВАТТА, ҚАЛБИ ОРЗУ-НИЯТЛАРГА ТЎЛА...

Махматқул Тувалов бу бўлинмага бундан уч йил бурун сардор этиб тайинланди. Мазкур ҳарбий жамоа ахил, уюшқок, ўз анъаналарига эга эди. Жамоа аъзолари анчайин мураккаб табиий шароитларда зиммаларига юкланган масъулиятли вазифаларни талаб даражасида бажариб келишарди.

Махматқул Туваловнинг хизматдошлари бу бўлинмага сардор этиб тайинланиши унинг омади дейиши. Ўзининг фикри эса бошқачароқ эди, чунки у илгари ҳам шу жамоада муаяйин муддат хизмат қилганди. Унингча эришилган довонларни қўлда сақлаб қолишининг ўзи бўлмасди, янги довонларни эгаллаш яна ҳам қийин ишеди.

... Республикасимиз мустакиллиг тўйининг ўн йиллиги арафаси. Офицер Равшан Нигматовга у раҳбарлик қилаётган намунали – кўргазмали оркестрнинг байрам шодиёнасида иштирок этишини айтиши.

"Бу – катта синов, масъулият", – ёлалидан ўтказди у ва таддирга пухта тайёрланишга кириши...

Офицер Тувалов миришкорлар айтганидай, енг шимариб ишга кириши. Тажрибали мураббийларнинг маслаҳатларига қулоқ осди. Авваламбор бўлинмада кўп йиллар мобайнида шаклланиб бўлган шахсий таркибни хизматга тайёрлаш тизимини, ҳарбий жамоанинг анъанавий ҳаёт ва ф-

олият тарзини сақлаб қолди. Асосий эътиборни ўтказиладиган тадбирларнинг сифатига, уларни на-

зорат қилишга қаратди. Натижада тадбирларнинг услубий савияси ва ҳарбий хизматчиларга ижобий тарбиявий таъсири кучайди. Жамоа аъзоларининг хизмат ва жанговар маҳорати оша борди.

Албатта, бошда қийин кечди. Аммо аста-секин ижобий натижалар кўпая борди. Орадан бир йил ўтиб бўлинма Коровул қўшинларида илфорлар сафига қўшилди.

Жамоа ахли билан маслаҳатлашган офицер Тувалов 2000 йилда илфор бўлинма ўрни учун мусобақа ташаббускори бўлиб чиқди. Сабаби, сардорнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлар борлигига кўзи етди.

Йил давомида бутун жамоа бир

тан, бир жон бўлиб хизмат қилди.

Ҳарбий хизматчилар сардорларинида

нафасини ҳар қадамда: жанг-

овар хизматда ҳам, ўқув-машгулотларида ҳам, дам олиш соатларида ҳам ҳис қилиб турниши. У хизматдаги муваффақият, бўлинма ҳаётни билан боғлиқ қандай тадбир борки, барчасига бевосита ёки билвосита бош-қош эди. Уюшқочлик ва интизом ошди, ҳарбий шаҳарча янада ободонлашди, кўркамлашди, машқ ва машгулотларни юқори савияда, самарали ўтказиши учун зарур моддий-техник шароит яратилди.

Буларнинг барчаси шарофати билан сардор сўзининг устидан чиқди, оширилган мажбуриятларни бажарди – бўлинма йил якунлари бўйича юқори натижаларга эришиб, илфорлар сафига ўрнини мустаҳкамлаб олди. Бўлинма ҳозир ҳам илфорликни кўлдан беряётгани йўқ.

Яқинда Туваловга муддатидан олдин навбатдаги унвон берилди. Унинг вужуди куч-қувватга, қалби орзу-ниятларга тўла. Ўзидан, ишидан охиригача қониқмаслик эса Ватан олдиаги ҳарбийлик ва фуқаролик бурчини муваффақият билан бажаришининг гаровидир.

Н. ЧУРСИНОВ.

Ўтказиладиган анъанавий ҳарбий кўйкўшилар танловида оркестр доимо фахрли ўринларни эгаллаб келади.

"Ўзбекистон – Ватаним маним" танловида ҳам жамоа аъзолари муваффақиятли қатнашишпти. Юксак ташкилотчилик ва ижочилик маҳорати учун офицер Равшан Нигматов кўп бора қимматбаҳо мукофотлар ва дипломлар билан тақдирланган. Келгусидаги режалари – кўпроқ миллий ҳарбий мусиқалар замонавийлаштирилди.

Х. АЛЛАНАЗАРОВ, подполковник.

САНЪАТКОРНИНГ БАХТИ

Консерваторияни муваффақиятли тутатгач, Равшанни ўзи билим олган ўкув даргохига ўқитувчилик тақиғи килишди. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри ва А. Науви номидаги опера ва балет театрда ижрочилик маҳоратини ошириб борди.

Мусиканинг илмий, назарий жиҳатларига бўлган қизиқиши туфайли консерватория қошидаги аспирантурага

кириб ўқиди. Ҳозирда у "Ўзбекистонда ҳарбий мусиқа" мавзусида илмий изланишлар олиб боряпти.

У 1995 йилда республика ИИВ Ички қўшинларига, намунали оркестрга дирижёр бўлиб ўтди. 1999 йил сентябрь ойидан бўйн Равшан Нигматов Коровул қўшинлари қошида ташкил этилган оркестрга бошилиг қилиб келмокда.

Ҳозирги кунда оркестр томонидан

"Тантанали ҳарбий мусиқалар", "Ўзбекистон марши" каби кўплаб кўй-қўшилар яратилган ёки қайта ишланган. Айниска, карнай, сурнай, ногора, доира каби миллий чолғу асబоблари ёрдамида ижро этилаётган "Сарбоз", "Халқ куйларига термалар" каби янги йўналишдаги мусиқалар тингловчиларга олам-олам завқ бағишлайти. Қадимий миллий ҳарбий мусиқалар замонавийлаштирилди.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва бастакорлар уюшмаси томонидан



Офицер Владимир Михайлович Буданов ҳақида: "Ҳарбий касб устаси, талабчан ва ғамхўр", – дейишиди. У сардорлик қилаётган жамоа хизмат-жанговар тайёрларлиги бўйича ҳар иили юқори кўрсатичларга эришиб, икки йилдан бўён Коровул қўшинлари Баш бошқармасининг Кўчма Байронини кўлдан бермай келянти. Ҳарбий жамоага моҳирлик билан раҳбарлик қилгани, жанговар хизматда юксак сифат ва ҳарбий хизматчилар ўтказиладиган айнавий ҳарбий кўйкўшилар танловида оркестр доимо фахрли ўринларни эгаллаб келади.

"Ўзбекистон – Ватаним маним" танловида ҳам жамоа аъзолари муваффақиятли қатнашишпти. Юксак ташкилотчилик ва ижочилик маҳорати учун офицер Равшан Нигматов кўп бора қимматбаҳо мукофотлар ва дипломлар билан тақдирланган. Келгусидаги режалари – кўпроқ миллий ҳарбий мусиқалар замонавийлаштирилди.

Х. АЛЛАНАЗАРОВ, подполковник.

Етиром

МЕХР-ОҚИБАТЛИ ЭДИЛАР



Акам Х. Қаюмов бутун умрларини ички ишлар хизматига бағытлаганлар. Күп

Хар гал баҳорнинг илк куни хонадонимиз шодлика тўларди. Чунки бу кун оиласизнинг катаси – акамиз Ҳабиулло Қаюмовнинг туғилган кунларини нишонлардик, Мана, бир неча йилдирки бу кун биз акамизни хотирлаш учун йигиламиз. У киши ҳаёт бўлганларида бу йил 75 баҳорни қаршилар эдилар.

Йиллар Шайхонтохур туманида участка вакили, тезкор бўлиб хизмат қилиб, кейинчалик туман ИИБ бошлигининг ўринбосари этиб тайинланганлар. Республика Ички ишлар вазирлиги йўлланмаси билан Бухоро вилояти ички ишлар идораларида хизмат қилдилар. Майум вактдан кейин

эса республика Ички ишлар вазирлигига, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасида масъул лавозимларда ишлаб, пенсияга чиқдилар. Истевфога чиқсан бўлсалар-да ички ишлар идораларидан узоқлашмадилар. Пойтахт милицияси Фахрийлари кенгашига раҳбарлик қилдилар.



Улар менга отамдек азиз эдилар. Акамдан ҳаётни ўргандим. Икки нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Акам фарзандларидан бирининг ички ишлар ходими бўлишини орзу қиласдилар. Неваралари Файзулло Қаюмов эгнига милиция формасини кийди. Ҳозир у Шайхонтохур

тумани ИИБда ишляпти. Жиянларимга қараб ҳавасим келади. Акамнинг қандай инсон бўлганларини улардан билса бўлади. Чунки дарахтга унинг мевасига қараб баҳо берилади-ку.

Ака-укалар, сингиллар, қариндош-уруглар Ҳабиулла акамни эслаганимизда меҳр-оқибатда ягона бўлганларини бот-бот гапирамиз. Ана шундай ажойиб инсоннинг синглиси эканлигимдан фаҳрламанам.

М. НИҒМОНОВА.

Суратда: Ҳабиулло Қаюмов оила аъзолари даврасида. (Суратлар X. Қаюмовнинг шахсијий архивидан олинди).

УМРИНГИЗГА УМР ҚЎШИЛСИН!

Тош бобо 1922 йилда туғилган. Уруш ва меҳнат фахрийси. Ички ишлар идораларида 36 йил хизмат килган...

Отахоннинг таржимаи ҳоли бир қараганда оддий туюлади. Аслида умр йўллари шу кадар оддий кечганимкан? Ҳаётнинг оғир-енгил юкига елка тутиб, аччик-чучук лаҳзаларини бирдек симириб келаётган отахон билан сұхбатлашиш истаги туғилди.

Тош бобо Раҳмонов билан учрашгач, ҳайратим орди. Қарашибардан ўқтамлик ва шижоат ёғилиб турган қариянинг ўзлари айтганидек "саксонни уриб" қўйганига ишонгингиз келмайди.

– Тош ака Фахрийлар кенгашининг раиси, – дейди Нурова тумани ИИБ бошлигининг мувонини, милиция майори А. Азимов. – Фахрийларимиз орасида энг кексаси ҳам, энг фаоли ҳам шу киши. Ҳамма тадбирларимизда маслаҳаттўй. Тиниб-тинчимас, ҳаракатчан инсон...

Кексаликка сўз бермай келётган Т. Раҳмонов билан сұхбатлашгач, бунга амин бўлдик. Бевосита у кишининг ташаббуси билан фахрийлар ёш ходимларга мураббий этиб тайинланган, тез-тез сұхбат ва учрашув-



лар ташкил этиб турилар экан.

– Ички ишлар идораларида 1954 йилда хизматни бошлаганман, – дейди отахон ўзлари ҳақида сўз боргандা. – У пайтлар ҳозиргидек шароит қаёқда? Хизмат тақозосига кўра тоғ яёв, тоғ от-уловда юриб ишладик. Дастан туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимida йўриқчи, сўнг участка инспектори, паспорт столи бошлиғи вазифаларида хизмат қилдим. Етти йил ёнгинга қарши кураш инспектори, қатор йиллар вояга етмаганлар

билан ишлаш инспекциясининг бошлиғи бўлиб ишладим. Қайси вазифада бўлмайин элга яқин, одамларга яхши-ёмон кунларидан елқадош бўлишига интилдим. Тажрибаларимга асосланиб, ёшларига ҳамиша таъкидлайман: элнинг назаридан қолмай дессангиз, элга яқин бўлинг...

УЧИНЧИ

«Носинга»
gazetasining ilovasi

+ TV VOLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Америка – сеҳрли диёр!

Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.

Денгиз ортин ёритди илк бор

Берунийнинг ақл машъали.

Абдула ОРИПОВ.

Бундан 510 йил мукаддам Х. Колумб экипажи азоси Родригес де Триан уфқда нотаниш қирғонни күриб қолди. Бу ҳозирги Флоридадан унчалик узокда бўлмаган Багам ороллари гуруҳига киравчи Гуанаҳани ороли эди. Ўшандан бўён “Американи ким биринчи бўлиб очган?” деб баҳслашишади.

АМЕРИКАНИ КИМ ОЧГАН?

Марказий ва Жанубий Американинг ичкарисига кирганлари сайин денгизчилар “шайтоннинг малайлари” (Янги Дунё ахолисини шундай аташарди) бунёд этган эхромларни, шаҳарларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлашарди. Улар дунёнинг бир-биридан узилган турли бурчаклари бўлган Мексика ва Яқин Шарқ, Гватемала ва Миср ўргасида бундай ўхшашик бўлиши тасодифий эмас, деб ўйлаб қолдилар. Ҳатто буни Инжилда айтилган дунёни сув босиши – Нуҳ тўғони билан ҳам боғладилар. Майяларда ҳам уларнинг шаҳарларини тўрт бора вайрон қўлган тўфон ҳақида ривоят бор эди.

Испаниялик Лас Касас кейинроқ оссуряликлар яхудийлар подшолигини тор-мор қилгач, бир қисм исроилликлар Америка қитъасига келиб қолган деган фаразни илгари сурди. Касаснинг бундай тахмин қилишига асоси бор эди. Майя динида илк насронийлик белгиларини кўриш мумкин эди. Уларнинг ибодатхоналаридан хочга ўхшаган нарсалар топилганди.

Эрамиздан аввалги тахминан 335 йилда юон файласуфи Аристотель тарих ва дунёнинг тузилишига доир ўзини ҳайратга соладиган 178 мўъжизанинг рўйхатини тузган. У 84-мўъжиза ҳақида қўйидагиларни ёзди: “Айтишларича, карфагенликлар океанда Геркулес устунлари ортида жойлаштан кимасиз оролни топишибди. У ерда турли-туман даражалар ўсаркан. Дарёларида кемалар сусза бўларкан. Хилма-хил меваляр гарк пишиб ётаркан. У оролгача кўп кунлик йўл экан. Одамлар у оролда узоқ пайт бўлмагани, ерга эгалик қилмагани ва карфагенликларнинг бойликларини олиб кетмагани мъкул”.

мат қилувчи финикиялар денгизчиларга юонлар зуғумига учрамаслик учун Африкани жанубий томондан айланаб ўтиш ҳақида буйруқ берди.

Эрамиздан аввалги 371 йилда карфагенликлар Африкани айланаб ўтиб океан бўйлаб сузуб борар эканлар, улкан номаълум оролга бориб қолдилар. У ернинг наботовт ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой эди. Узун дарёларида сув пишқириб оқарди. Аммо одам зоти



кўринмасди. Карфагенликларнинг аксарияти шу ерда қолиши. Бир қисми қайтиб келиб, Карфаген сенатига кўрган-билгларини айтиб бердилар. Сенат аъзолари ўзаро маслаҳатдашиб, душманларга билдирилмаслик учун буни сир сақлашга, саёҳатчиларни эса қатл этишига қарор қилдилар.

Айрим мутахассисларнинг фикрича бу Шимолий Американинг Атлантика қирғоқлари бўлган. Базилар эса бу “улкан орол” Бразилия бўлган дейишади. Сицилиялик Диодор бу ҳақда шундай ёзиг қолдирган: “Ливиядан сўнг бир неча кун океанда сузилса, улкан орол чиқади. У ернинг тупроғи унумдор, тогли. Текисликлари ҳам кўп. Дарёлари узун, серсув. Кемалар бемалол сусза олади. Қадим замонлардан бу ер номаълумлигина қолган. Фақат финикияликлар океанда сузуб бораётганда кучли шамол уларнинг кемасини бу оролга ҳайдаб борган”.

Яна Диодор қўйидаги муҳим маълумотни ёзиг қолдирган: “Тажрибали денгизчилар бўлган тирияликлар бу ерда ўз хукмронликларини ўрнатишмоқчи бўлиши. Аммо карфагенликлар улардан чақонлик қилиши”.

1949 йилда Америка газеталари Пенсильвания штатилик Ф. Бейстрайн ёзувлар ўйиб битилган тош топганини хабар қилиши. Корнелл университети олимлари текшириб кўриб бу финикияликлар ёзуви эканини аниқлаши. 1956 йилда Огайо штатида ҳам шундай ёзувлар топилди. Ланкастер графлигига эса XIX асрнинг охирида финикияликларга бўлган оролга битилган эди.

Археолог Р. Боланд бу фактларни бир ирга тизиб, финикияликларнинг Янги Дунёга ташрифи сабабини э. а 480-275 йиллардаги урушда маглубиятга учрашлари билан боғлади. Юон лашкарбошиси Геллон тинчлик битими тузиш учун финикияликларнинг худоларига одам қурбонлик қилиш одатларидан кечишлигини шарт қилиб қўяди. Энг фанатик финикияликлар бу шартга кўнмай Карфагенин тарк этиб, Америка қитъасидан паноҳ топишган.

Массачусетс штати қирғоғидаги қояда кема расми солинган. Ҳозирда бу сурат сув остида қолган. Экспертлар суратни

текшириб кўриб финикияликлар кемаси тасвирланганини аниқлаши.

XIX асрнинг 80-йилларида Рио-де-Жанейро Миллий музейи директори Л. Неттунинг мақоласи ҳам катта шов-шувга сабаб бўлганди. У Параиба дарёсида тошга битилган гаройиб ёзувни топганини хабар қилиб, бу топилманинг нусхасини келтирган эди. Топилма матни финикия ёзувида битилган бўлиб, унда жумладан: “Биз Ханааннинг ўғиллари, денгизчилар ва саводогарлармиз. Биз Сидондан ушбу оролга, тогли ерга қувилдик. Бу ерни ўзимиз ва худоларимиз учун Ватан қилдик. Хирам подшолик қилган давринг 19-йилида ўнта кемада йўлга чиқдик. Иккى мамлакатни айланаб ўтди. Кейин ажалириб кетдик. Қанча хавфхатарларни бошдан ўткашиб бу ўрмонли оролга 12 эркак ва 3 аёл этиб келдик” дейилган эди.

Колумбагча ҳам Янги Дунё билан алоқа бўлганлигига ишонмайдиганлар бундай ёзувли тош бўлганини рад этишиди. Аммо 1874 йилда немис олими К.

Шлоттман “Агар бу ёзув қалбаки бўлса, демак уста хаттот, билимдан томонидан битилган. Бундай финикия ёзуви билимдонлари Европада саноқли. Бразилияда уларнинг топилиши гумон”, – деб ёзганди. Шундай бўлса-да, Бразилияда топилган ўша ёзувнинг ҳақиқиятлиги ҳали ҳам илмий жиҳатдан тан олинмаган.

Кейинроқ Бразилияда яна бир неча битикили тошлар топилди. Немис олими Шенхаген уларни ўн беш йил давомида пухта ўрганиб, финикия ёзувини эканлигини аниқлади. 1978 йил ёзида эса матбуот во-ситалари Колумбиядаги эски қабристонлардан бирда яна финикия ёзувлари битилган тошлар топилганини хабар қилиши. Уларни маҳаллий аҳоли вакиллари тасодифан топиб олишган эди.

Америка қитъасида Колумбдан олдин викинглар, кельтлар, римликлар ҳам бўлганлигига ишонмайдиганлар бундай ёзувли тош бўлганини рад этишиди. Аммо 1874 йилда немис олими К.

**Хориж матбуоти
материаллари асосида
тайдерланди.**



“ЕР АЙЛАНАДИ, БОЗОР ҲАМ...”

Кечки овқат пайтида хотиним уйдаги ахволдан гап очиң қолди:

— Кичкина күчкөр сузонгич бўлиб қолибди. Ҳовли тўла бола бўлса, кўрадан чиқиб кетиб, яна бир кор-ҳол қилмасдан уни сотиб юбора қолайлик.

— Сотиб, ўрнига кўзи оламиз, — хурсанд бўлди ўғлим.

Эртасига кўчкөрни етаклаб, ота-бала бозорга отландик. Йўл-йўлакай кўчкөр тушмагур учраган одамни сузмоқчи бўлиб интиларди.

Бозорга етиб бормасданоқ йўлда харидор чиқди, лекин сузонгичлигини кўриб, айнади.

Мол бозорининг эшигига етиб боргандик. Бир миқтитги на киши чопиб келиб:

— Ука, кўчкөрингизга мен кўз очиб юмгунча харидор топиб, айтган нархингизда сотиб бераман, — деб бидирлай кетди.

У гапини тутатмасдан новча бир йигит келиб арқонга ёпиши:

— Ака, менинг қўлим баркали, кўчкөрни пулига дунёни сотиб оласиз, — деб арқонни бошқа тарафга торти:

— Э қўлингни торт, мен боядан бери мўлжаллаб турибман, кўчкөр менини, — деди яна бир киши келиб, арқонни ўзига тортаркан. Уларнинг шовқинидан кўринган одамни сузмоқчи бўлган кўчкөр ҳам жимиб қолди. Шу пайт бир тепакал киши:

— Куёв бола, омонмисиз, жиянлар саломатми, кўчкөрни олиб келдингизми? — деб кучоқлаб кўриша кетди.

Унинг “куёв бола” деб му рожаат қилганини эшитган бошқа даллоллар секингина тарқалиши:

Ҳалиги киши кўчкөрни етаклаб, бозор ичига кириб кетди. Кетидан бораракман. Бу киши маликаи дилозоримнинг қайси қариндоши бўлди экан деб ўйлардим.

У бозорнинг бошланишида кўчкөрни бир йигитга тутқазди-да, менга юзланди:

— Дўстим, бозорга кам келасиз, шекилли, озигина “движение” қилмасангиз, кечгача хемирисиз қоласиз. Шунинг учун бирорни кўёв, яна бирини жиян, акам, укам деб, кун кўрамиз. Кўчкөрни яхши боқисиз, ҳозир ўзим сотиб бераман.

— Ўрнига кичикроғини олмоқчийдик, — дедим.

— Э-э, ўлманг ўрнини йўқотманг, ўсадиган, эт қўядиганидан ўзим топиб бераман, — деди “қариндош” елкамга қокиб.

Бу орада бир харидор келиб, кўйни сўради:

— Олинг, ука, сўйсангиз фоқат ёф ейсиз. Жониворни уч маҳал емлаб боқсанман, — деб бидирлаб кетди тепакал даллол.

— Ўзи ювош, боқсангиз яна эт қўяди. Жуда хўра, овқат танламайди...

Кўйни у ёқ-бу ёғини кўрган йигит нари кетди. Оддимизда қаердандир бир киши пайдо бўлди. Даллол билан кўз уристирди-да, ниманидир талашди.

— Ним пиёз, пиёз, ярми, ... яна бир қанча “сабзавотлар” номи тилга олинди. Кейин даллол мени ва ҳалиги кишининг кўлини бирлашириб, “бор барақа” қила бошлади. Хуллас, ўзим мўлжаллагандан озигина кам пулга савдо бўлди.

Пулни ёнга солиб, бозорни айлана бошладик. Беш-үн қадам нарига ўтиб, кўйларни кўриб тургандим, ўғлим мени туртиб:

— Ада, кўчкөримиз ана-ку, — деди.

Қарасам, худди ўзимизни кўй. Даллол ким биландир савдолашяпти. Келишишиб, шекилли, кўчкөрни олган киши уни етаклаб бозор ичига кириб кетди.

Бозор гавжум, кимдир сотяпти, кимдир оляпти. Бирор кўй етаклаб ичкарига кирса, яна бирни ташқарига юради.

Айланиб юриб, тепакал даллолнинг олдига бориб қолибман. У зўр бериб бир йигитга кўйни мақтарди. Кўй йигитга ёқмади, шекилли, нари кетди.

Менга кўзи тушди-ю, яна бидирлай кетди:

— Дўстим, сизбоп кўй топиб қўйдим. Роса семиралигидан, эгаси емдан қўйналган экан. Боқсангиз мойга ботасиз.

— Кўрсатинг-чи, — дедим.

Нурмат табиатан танбалроқ бўлиб, йўл юришга ҳеч тоби йўқ эди.

Ур-сурлар билан ниҳоят чегарадан ўтиб, манзилга етиб келишиб. Омина хурсанд, олиб келган нарсалари — Нурматнинг пальтоси орасида олиб ўтган хуфия молларини пуллашга киришиб.

Шу деганинг бўлди:

— Шу деганимки, пальто бошимдаги телпак билан кўшиб сотилади, — у эскириб, яғири чиққан телпагини кўлига олди.

— Э-э, бунинг текинга ҳам керак эмас! Териси кўриниб, қатирмоч бўлиб кетибди-ку!

— Аммо пальтога қара, пальто! Ҳали яп-янги, кийилмаган. Ёлғон бўлмасин, шу биринчи кийишим.

— Бўлти, қанча сўрайсан икаласига?

Одамлар бири олиб, бири қўйиб, ниҳоят савдони пишишишиб, пальто ҳам, унга кўшиб телпак ҳам “бор барақа” бўлди.

Нурмат ортига қайтаркан, кувончи терисига сигмасди. Хотини қойил қоладиган бўлдида. У кўлида бир даста пул — узоқдан хотинига бақириди.

— Хотин, ҳаммасини сотдим!

— Яшанг, бормисиз, адаси! Бирдан Оминанинг кўзи эрининг яланнинг бошига тушди.

— Телпагингиз қани? Кўйнингиздами дейман?..

— Э сўрама, онаси, уни ҳам пуллаб юбордим!

— А?! — хотинининг юзи бужмайиб, ўрнига ўтириб қолди.


Нурмат эса кўзларини пирпиратганча Оминага қараб қотиб турар: “ески телпакка шунчами?” деб ўйларди.

Ахир у “божхонадан шу эски матоҳи қатида ўзи бехабар ўн донагини “кўкини” ҳам олиб ўтганини билмасди-да.

— Огайни, пальтони сотмайсанми?

Шошиб қолган Нурмат бу гал ҳам бўш келмади, ўзича кувлик қилмоқчи бўлди.

Ҳажвия



Орада турган кўйни кўрсашиб яна жаврай кетди:

— Икки-уч киши сўради, бермадим. Озигина камига бўлса ҳам сизга сотаман.

— Қанча сўраяпсиз?

— Боя соттанингизга озигина кўшсангиз бўлди, — деди кўлини кўксига кўйиб.

— Ада, ўзимизнинг кўчкөрку, — деди ўғлим кўй бошидаги оқ белгига ишора қилиб.

Тепакал даллол сири очиганини сездирмай:

— Ер айланади, бозор ҳам айланади. Сизлар бозор айланниб келгунча, кўчкөр ҳам кўлма-қўл ўтиб келди. Худди ер курраси айлангандек бу кўй ҳам бозор айланди. Буни ҳаракат, дейдилар жигар, — деди пинагини бузмай.

Ўғлим билан кичикроқ бир совлиқ олиб, бозор дарвозасидан чиқдик. Қаршимиздан келаётган ўрта ёшли кишини учтourt даллол ўраб олиб, кўлидаги кўйини талашишарди. Орқадан таниш овоз эшитилди. Энди тепакал киши кучогини очиб:

— Ассалому алайкум, почча, — деб келарди.

С. ШАМСИДДИНОВ.

— Йўқ, жўра, пальто ёлғиз сотилмайди!

— Ёлғиз сотилмайди? Бу не деганинг бўлди?

— Шу деганимки, пальто бошимдаги телпак билан кўшиб сотилади, — у эскириб, яғири чиққан телпагини кўлига олди.

— Э-э, бунинг текинга ҳам керак эмас! Териси кўриниб, қатирмоч бўлиб кетибди-ку!

— Аммо пальтога қара, пальто! Ҳали яп-янги, кийилмаган. Ёлғон бўлмасин, шу биринчи кийишим.

— Бўлти, қанча сўрайсан икаласига?

Одамлар бири олиб, бири қўйиб, ниҳоят савдони пишишишиб, пальто ҳам, унга кўшиб телпак ҳам “бор барақа” бўлди.

Нурмат ортига қайтаркан, кувончи терисига сигмасди. Хотини қойил қоладиган бўлдида. У кўлида бир даста пул — узоқдан хотинига бақириди.

— Хотин, ҳаммасини сотдим!

— Яшанг, бормисиз, адаси! Бирдан Оминанинг кўзи эрининг яланнинг бошига тушди.

— Телпагингиз қани? Кўйнингиздами дейман?..

— Э сўрама, онаси, уни ҳам пуллаб юбордим!

— А?! — хотинининг юзи бужмайиб, ўрнига ўтириб қолди.

Нурмат эса кўзларини пирпиратганча Оминага қараб қотиб турар: “ески телпакка шунчами?” деб ўйларди.

Ахир у “божхонадан шу эски матоҳи қатида ўзи бехабар ўн донагини “кўкини” ҳам олиб ўтганини билмасди-да.

— Огайни, пальтони сотмайсанми?

Шошиб қолган Нурмат бу гал ҳам бўш келмади, ўзича кувлик қилмоқчи бўлди.

К. ҚЎЧКОРОВ.

Ҳар соҳадан бир шингил

МАШИНА НИКОҲ ТУЗА ОЛАДИМИ?

Уринишлар бўлган. Масалан, Францияда электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида ёшларнинг оила қуриш имкониятлари ўрганиб чиқилиб, 300 та никоҳ қайд этилган. Бу оиласар ҳозирда тутув турмуш кечириб кела-япти.

ТОШ ОЛМАХОНИ ФАЛАТИ ЖОНИВОР

Шимолий Американинг жануби-гарбидаги чўлларда тош олмахони де-ган фалати жонивор яшайди. У жуда сергайрат бўлиб, бир култум ҳам сув ичмай 100 кун яшай олади.

СУВ НИМА УЧУН ЎТНИ ЎЧИРАДИ?

Ёниб турган шамни сувга ботир-сак, дарҳол ўчади. Хўш, нета? Чунки шамнинг ёниши учун сув эмас, ҳаво керак. Шу боис ҳам сув ўтни ўчиради.

ТОШПАХТА – ЎТДА ЁНМАЙДИГАН “ПАХТА”

Тошпахта – яъни асбест минералининг ташқи кўриниши паҳтага ёки товланувчи ипакка ўхшайди. Ўтда ёнмайдиган, жуда қимматбаҳо ва камдан-кам учрайдиган бундай “газмол”-нинг бир килосидан 30 км. узунликдаги жуда пишиқ ип тайёрлаш мумкин.

КОВУН ДАРАХТИ БОРМИ?

Бор. Тропик мамлакатларда меваси қовунга ўхшайдиган ўсимликлар ўсади. Қовун дарахти шулар жумласидандир. Ҳар туп дарахт йилига 150 дона-гача мева солади. Мевасининг вазни 0,5 – 8 килогача боради.

БОШИ ОЛОВДА, ОЁФИ СУВДА

Бу – янтоқ. Унинг ўзига хос хусусияти илдизининг узунлигидир, ҳатто 30-35 метр чуқурликкача етиб боради. Сувсиз қақраёттан Нурота ва Нишон чўлларида уста дехқонлар янтоқ ёрдамида тарвуз ўстириб, ҳосил олиша-япти.

ЧОРШАНБА,

6

ЎзТВ - I

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 "Ахборот".
8.35 Газеталар шархи.
8.55 Эстрада тароналари.
9.15, 12.25 ТВ-метео.
9.20 "Бахтизимага омон бўлинг".
9.40 "Парламент вақти".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоклари.
10.25 "Кишилк ёхидада".
10.45 "Рикки-Тики Тави".
Бадий фильм.
12.05 "Ийлар ва ўйлар".
12.30 Болалар учун. "Кичинотийиз-хижинотийиз".
12.50 "Тафсилот".
13.05 Карапат бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.30 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Остонаси тилодан".
14.30, 15.45 ТВ анонс.
14.35 Кундузги сеанс: "Ганг дарёсининг кизи".
Бадий фильм.
15.50 "Исон ва конун".
16.10 ТВ клип.
16.20 "Коракалпокнома".
16.50 ўзТВ хазинасидан: "Келинлар кўзголони".
Спектакль. 1-кисм.
18.10 "Болаликнинг мовий осмони".
18.30 "Ватан мадҳи".
18.50 "Аёл дунёни тебрата".
19.05 "Мулк".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЗЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Тибиёт одимлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Солик ва биз". З-курсатув.
21.20 "Нафосат гулшани".
21.55 "Спорт, спорт, спорт".
22.10 ўзбекистон" каналида илк маротаба: "Ошин".
Телесериал премьера.
22.40 "ТВ-клуб".
23.05 "Ахборот-дайжест".
23.25, -23.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ - II

- 8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" студия-

- си: Дунё ва болалар.
9.35 "Ака-ука Грим эртаклари". Мультсернал. 34-кисм.
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусикӣ лаҳзалар.
10.25 "Эсмералда". Телесериал.
10.50 Таянч.
11.05 "Экспедиция". Хуҗатли сериали.
11.55 Жар ёқасида.
12.10 Болалар экрани.
"Олтин оху".
12.40 ёшлар овози.
13.00 "Индинги кун жадвали". Бадий фильм.
14.20 Ватан манзаралари.
14.40 "Ёшлар" телеканалида спорт: Тенис.
15.20 "Кусто командасининг суности саргузаштири". Телесериал.
16.05 Автопатрул.
16.25 Курсатувлар дастури.
16.30 "Янги авлод" студияси: Олтин калит, Боланинг тили.
17.00 "Ака-ука Грим эртаклари". Мультсернал. 35-кисм.
17.25 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
18.15 Масъулият.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 Иктисол-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Мухаббат кўшиклири.
20.45, 21.15, 22.30 ЭЗЛОНЛАР.
20.50 "Эсмералда". Телесериал.
00.25 "Тунингиз осуда бўлсин!"

- ЎзТВ - III
17.15 Курсатувлар тартиби.

30-канал

9.05, 17.45, 20.35. "Телехамкор".

9.10, 14.15 Болалар соати.

10.25 "Чумоличалар" сериали.

10.50 "Яхши кайфият" мусикӣ дам олиш дастури.

11.20 "Шайтонча" телесериалы.

12.00 "Киролича Марго" 10-кисм.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Кундузги кинозал:

ОРТ

6.00 Телеканал "Добро утро".

9.00 Новости.

9.15 Сернал "Земля любви".

10.10 Русский экстрим.

10.45 "Народ против". Телеграф.

11.35 "Смак".

12.00 Новости.

12.15 Как это было. Рок-опера "Юнона и Авось".

13.00 Л. Федосеева-Шукшина в фильме "Сверстницы".

14.35 Дисней-клуб: "Переменка".

15.00 Новости (с субтитрами).

15.15 "Все попадают в рай".

Мультсернал.

16.00 "Убойная сила-2". Смягчающие обстоятельства.

17.00 "Большая стирка".

18.00 Вечерние новости (с субтитрами).

17.15 Однако.

17.25 Юмористическая программа "Сами с усами".

19.00 Сернал "Земля любви".

20.00 М. Боярский, В. Меладзе и В. Жириновский и другие в специальном выпуске игрового шоу "Славное звено".

21.00 "Время".

21.35 Е. Сафонова и К. Хабенский в фильме "Женская собственность".

23.30 Ночное "Время".

23.55 О. Андровская и М. Жаров в фильме "Медведь".

РЖТ

19.00 "Мухаббат замини".

Сериал.

20.00 "Зайф бўғин". Шоу ўйин.

21.00 "Время".

21.35 "Калб қанотлари".

Сериал.

22.20 "6x9". Шоу дастур.

23.00 Кинематограф. "Якуний хулоса". Бадий фильм.

00.40 "Ахборот" (рус тилида)

1.10 "Тунингиз осуда бўлсин!"

РЖТ

16.50 "Симпсонлар" мультиериали.

17.15 "Кино, кино, кино".

18.00 "Петербург сирлари" телесериалы.

19.00 30-каналда кино оқшоми: "Менинг эрим бўлинг" комедияси.

21.00 "Хайри тун, кичиний тойлар!"

21.20 "Ошикона" мусикӣ дастури.

21.30 30-каналда кино оқшоми: "Понтлар" жангари филими.

23.15 "Тез ёрдам" телесериалы.

15.10 Кундузги киносеанс: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.

15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

18.00 Болажонлар экрани.

13.30 "Майами Сенды" телесериалы.


15.10 Оқшом кинозал: "Вахшийлар" трилери.

17.20 ТТВда сериал: "Санта-Барбара".

ЖУМА,

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 Газеталар шархи.
8.55 "Ўзбектелефильм" намойши: "Баҳор".
9.05 "Онахон номиги дилимда". Мусиқий композиция.
9.35, 12.15 ТВ метео.
9.40 Байрам табриги.
9.50 "Ўзбектелефильм" намойши: "Ҳаёл".
10.00 Хотин-қизлар кунинга багишланган тантанали ийгилиш ва концерт.
11.30 "Спортишим маликалари".
11.50 "Аёл, гул, гўзлалик".
Бадий-музикӣ дастур.
12.20 "Бешбармоқ". Тележурнал.
12.40 "Малика ва етти баҳодир ҳақида эртак". Мультфильм.
13.10 Байрам табриги.
13.20 "Кўйла, ёшлигим".
13.50 ТВ-1 кинотеатри: "Тоғлиқ кўйё". Бадий фильм. 1-2-кисмлар.
15.25 Байрам табриги.
15.35 "Моҳият".
15.55 ТВ клип.
16.05 "Онанг, ўргилсин болам". Театрлаштирилган томоша.
16.45 Байрам табриги.
16.55 "Серхли оху". Мультфильм.
17.10 Болалар учун. "Санъат гунчалари".
17.30 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари". Байрам сони.
18.05 "Тағсилот".
18.25 "Омад қувончи". Телелотерея.
19.05 "Ҳидоят сари".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)



ШАНБА,

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 Газеталар шархи.
8.55 "Ўзбектелефильм" намойши: "Хонобод".
9.00, 11.25 ТВ метео.
9.05 "Ҳидоят сари".
9.25 "Тағсилот".
9.45 "Баҳоримиз, она-жон".
10.05 "Маърифат". Телемаъманах.
10.25, 13.55 ТВ анонс.
10.30 "Хушвакт бўлинг!"
Байрам дастури.
11.30 "Фарзанд - умид юлдизи".
12.00 "Кирол шер". Мультфильм.
13.30 Байрамингиз муборак! Теленовелла.
14.00 "Дунён эшиклири очиди бигза".
14.20 ТВ-1 кинотеатри: "Табиб". Бадий фильм. 1-кисм.
15.25 "Кувнок шаҳарча". Телевизион йин.
15.50 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
16.25 "Ягона оиласа".
16.55 "Табиб". Бадий фильм. 2-кисм.
18.35 "Кредит: муаммо ва ҷумла".
18.55 "Пазандалик сирла-ри".
19.05 "Кишлек хаёти".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)

"Тунги ёғду". Дам олиш кино-дастури.
22.10 "ТВ альманах".
22.35 "Ахборот-дайжест".
22.55 "Ўзбекистон" каналида биринчи марта. "Бирни кўрин шукур кил". Бадий фильм.
00.40-00.45 Ватан тимсолари.

да премьера: "Вафо". Бадий фильм.
1.00-1.05 Хайри тун!

ЎзТВ - III

20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт кўшик.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хушвакт бўлинг".
Байрам дастури.
22.00 "Сизга таъзим".
Шеърий композиция.
22.10 "Келин-куйё". Телешоу.
23.10 "Ахборот-дайжест".
23.30 "Аёл таровали". Бадий фильм. 2-кисм.
00.50-00.55 Ватан тимсолари.

ЎзТВ - II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 "Давр тонги".
9.00 "Янги авлод" студияси: Катта танафус.
9.25 "Ақа-ука Гримм эртаклари". Мультсериал. 36-кисм.
9.50 Аёл қалби наволари.
10.00 "Давр"-интервью.
10.15 "Эсмералда". Телесериал.
10.40 Мезон.
11.00 "Еқимтой шаҳзода".
Бадий фильм.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Интерфутбол.
14.30 XX аср шеъриятидан Зулфия.

ЎзТВ - IV

